Тошкент оқшоми

2015 ЙИЛ 23 СЕНТЯБРЬ, ЧОРШАНБА

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 196 (13.009)

Баҳоси эркин нархда

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 сентябрь куни Оқсаройда Корея Республикаси Экспорт-импорт банки (Эксимбанк) президенти Ли Дук Хунни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташрифи билан утлар экан, мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик ҳар то-онлама ва изчил ривожланиб бораётганини таъкидлади.

Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Президенти сайло-идан кейин илк давлат ташрифи билан жорий йилнинг май йида Корея Республикасига борди. Ушбу ташриф ўзаро ман-аатли серқирра ҳамкорликнинг миқёси ва истиқболларини янги осқичга кўтаришда муҳим аҳамият касб этди.

Музокаралар чоғида Ўзбекистон билан Корея Республикаси ксимбанки ўртасидаги инвестициявий шерикликни янада кен-айтириш масалалари муҳокама қилинди.

Томонлар ташриф доирасида "Асака" акциядорлик тижорат анки билан Эксимбанк ўртасида 160 миллион АҚШ доллари икдорида кредит тақдим этиш бўйича банкларо битим имзо-анишини юқори баҳолади.

Мамлакатимизда стратегик лойиҳаларни ҳаётга татбиқ қилишда штирок этаётган Корея Республикаси Эксимбанки Ўзбекистон еспубликасининг Осиё-Тинч океани минтақасидаги асосий ше-икларидан биридир. 1999 йилдан буён Ўзбекистонда мазкур анк маблағлари ҳисобидан 935 миллион АҚШ доллари миқдо-идаги лойиҳалар амалга оширилди. 2012 йилдан буён умумий ймати қарийб 1,2 миллиард долларлик лойиҳалар амалга оши-илмоқда, яна 900 миллион доллар миқдоридаги лойиҳалар шлаб чиқилмоқда.

Эксимбанк Сурғил кони негизида бунёд этилаётган Устюрт аз-кимё мажмуасининг асосий кредиторларидан бири эканини лоҳида таъкидлаш жоиз. Банк бу йирик лойиҳага бир милли-од АҚШ доллари миқдорида кредит ажратган.

Ли Дук Хун самимий қабул учун давлатимиз раҳбарига мин-атдорлик изҳор этиб, Эксимбанк Жанубий Корея ишбилармон ириалари қаторида Ўзбекистон билан ўзаро фойдали ва узоқ уддатли ҳамкорликни янада ривожлантиришдан манфаатдор канини таъкидлади.

(ЎзА)

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



"AVTOTEST" – БИРИНЧИ ИННОВАЦИОН АВТОМОБИЛЬ МАКТАБИ



Элкин Шамсиддинов олган суратлар

Тошкентда биринчи "Avtotest" инновацион автомобиль мактаби очилди. Ушбу автомактабда таълим ва ахборот технологияларининг энг сўнгги ютуқларига асосланган ўзига хос дастур жорий этилган. Бу ерда ҳайдовчиликни самарали ўрганиш учун қулай шароитлар яратилган.

Президентимизнинг 2012 йил 21 мартдаги "Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"-ги Қарори замонавий технологияларни кадрлар тайёрлаш жараёнига жорий этиш, шунингдек, таълим бериш сифатини оширишда муҳим дастуриламал бўлмоқда.

"Avtotest" масъулияти чекланган жамияти директори К.Муҳаммадхўжаевнинг айтишича, "Avtotest" инновацион автомактаби учун махсус ўзига хос ўқитиш дастури ишлаб чиқилган. Ушбу дастурда замонавий тренажёрлар ва компьютер симуляторларидан фойдаланиш кўзда тутилган. Ўқув бинолари энг сўнгги русумдаги техникалар билан жиҳозланиб, WI-FI тармоғига қамраб олинган. Ўқитишнинг ўзига хос услуби ўйин дебатлари, баҳс-мунозаралар, интерактив жамоавий ўйинларни ўз ичига олади.

Автомактабда амалий машғулотларга ҳам катта эътибор қаратилган. Автомобилни бошқариш, автомашина қурилмалари, биринчи тиббий ёрдам каби фанлар амалий машғулотлар асосини ташкил этади. Бунинг учун фан кабинетлари барча зарур жиҳозлар билан таъминланган.

Таъкидлаш керакки, пойтахтимизнинг Сергели туманида жойлашган автодром ҳайдовчиларнинг реал шароит ва жойга хос бўлган турли вазиятларда автомобилни бошқаришини баҳолаш имконини беради. Ўқувчилар автодромда автомашинани бошқаришни муваффақиятли ўзлаштирганидан кейин тажрибали йўриқчилар назоратида шаҳар йўлларида ҳаракатлана бошлайди. Ўқувчилар хавфсизлиги учун қулайлик яратиш мақсадида автомактабнинг барча автомобиллари ҳаракатланиш датчиги ва GPS навигатори, шунингдек, видеокузатув камераси билан жиҳозланган. Махсус ишлаб чиқилган автоматлаштирилган тизим ўқувчиларнинг барча ҳаракатларини қайд этиб боради. Бу автомашинани бошқариш кўникмасини эгаллаш даражасини холис баҳолаш имконини беради.

Сифат назорати автомактаб фаолиятининг муҳим таркибий қисмидир. Сифат назорати тизими машғулотларга қатнаш, дарслардаги фаоллик, ўқитувчилар фаолияти сифати ва уй вазифаларининг бажарилишига оид маълумотларни қамраб олади.

Таъкидлаш жоизки, айни пайтда пойтахтимизнинг ўзида 10 га яқин "Avtotest" инновацион автомактаби очиш режалаштирилмоқда. Уларнинг ҳар бирида 150 нафаргача ўқувчи таҳсил олиши мумкин. Улар бу ерда ҳайдовчиликнинг ҳар қандай тоифасига эга бўлиши ва гувоҳнома олиш учун топшириладиган барча имтиҳонларга тайёргарлик кўриши мумкин.

Роман БОНДАРЧУК,
ЎзА мухбири

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ОАВ: "ЎЗБЕКИСТОН УЛКАН МУВАФФАҚИЯТЛАРГА ЭРИШМОҚДА"

Корея Республикасидаги қатор матбаа нашрларида мамлакатимизнинг бугунги тараққиёти ҳамда Ўзбекистон — Корея Республикаси ўртасидаги икки томонлама муносабатлар мавзуига бағишланган хабар ҳамда мақолалар эълон қилинди.

Жумладан, **"The Korea Post"** урналида юртимизнинг иқтисо-ий ривожланиши омилларига ўхталинар экан, Ўзбекистонда иллий тараққиёт модели асоси-аги ислоҳотлар изчил амалга ширилаётгани натижасида улкан уваффақиятларга эришилаётга-и эътироф этилади. Билдирил-анидек, иқтисодиёт тармоқлари-и модернизациялаш, техник ва ехнологик жиҳатдан янгилаш ўйича дастурий чора-тадбирлар амараси ўлароқ, 2000-2014 йил-ар даврида меҳнат самарадорли-ги 2,2 баравар ўсди.

Нашрда глобал молиявий-иқти-одий инқирознинг салбий таъси-ига қарамай, сўнгги 17 йил да-омида Ўзбекистон савдо балан-ида ижобий сальдо барқарор ра-ишда таъминланаётгани муста-йилар эътиборига ҳавола қилин-ан. Шу билан бирга, республика-изда иқтисодиётнинг экспорт са-оҳиятини кенгайтириш юзасидан урилаётган чора-тадбирларга ҳам юқори баҳо берилган. "Ана шун-ай саъй-ҳаракатлар туфайли ашқи бозорларга миллий маҳсу-от етказиб бериш 30 баравардан иёд ошди. Самарадор тизимли амда сармоявий сиёсатнинг ҳаёт-а изчил татбиқ қилинишида 2006 или ташкил этилган Тикланиш ва араққиёт жамғармаси муҳим ўрин утади. Ҳозирги пайтда унинг ус-ав капитали 25 миллиард АҚШ олларини ташкил қилади", дея зилади журналда.

"The Korea Herald" газетасида чоп этилган мақолада Ўзбекистонга "Янги Ипак йўлининг ўсиш нуқтаси" дея таъриф берилган. Унда Жанубий Кореянинг Ўзбекистон билан турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорлик муносабатларини қўллаб-қувватлаб келаётгани ҳақида атрофлича фикр юритилади.

Мақолада таъкидланишича, икки давлат раҳбарларининг мунтазам ташриф алмашувлари ўзаро манфаатли мустаҳкам ҳамкорликнинг асосини ташкил этмоқда. "Кейинги 23 йил давомида 14 маротаба олий даражадаги учрашувлар бўлиб ўтди. 2014 йилнинг июнь ойида Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэ Марказий Осиё мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистонга ташриф буюриб, икки томонлама муносабатларни янада мустаҳкамлаш мақсадида музокаралар ўтказди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жорий йилнинг май ойида давлат ташрифи билан Корея Республикасида бўлди".

Газетада қайд этилишича, ушбу ташрифлар чоғида савдо-инвестициявий, энергетика, табиий ресурслар, ахборот технологиялари, молия, қайта тикланадиган энергия манбалари, маданият ҳамда бошқа соҳалардаги ҳамкорлик масалалари ўзаро ишонч муҳитида муҳокама этилди.

(Давоми 2-бетда)

Тошкентда Ўзбекистон ва Хитой ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида бизнес-форум бўлиб ўтди. Бизнес-форум Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси ва Хитой Халқ Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси томонидан ташкил этилди.

ҲАМКОРЛИК МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Унда икки мамлакат вазирлик ва идоралари, машинасозлик, электротехника, нефть-кимё, энергетика, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, қурилиш, транспорт ва логистика соҳаларида фаолият кўрсатаётган концерн ва компаниялар вакиллари иштирок этди.

Икки давлат раҳбарлари учрашувлари чоғида эришилган келишувлар ўзаро манфаатли ҳамкорликда муҳим ҳуқуқий асос бўлаётгани таъкидланди. Шу йилнинг сентябрь ойида Президентимиз Ислом Каримовнинг Хитойга ташрифи икки томонлама муносабатларни мазмунан бойитиш ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

– Ўзбекистон ва Хитой ўртасида янада қулай ҳамкорлик муносабатлари яратишга амал қилинмоқда, – дейди ЎзА мухбирига Хитой халқаро савдо тараққиётига кўмак бериш кенгаши раиси ўринбосари Лью Пенгчи. – Сўнгги олти йилда икки томонлама товар айирбошлаш ҳажми уч марта ошиб, 2014 йилда бу кўрсаткич 4,7 миллиард АҚШ долларига етди. Жорий йилнинг биринчи ярмида товар айирбошлаш ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,7 фоиз ўсди. Ўзбекистонда Хитой инвестицияси иштирокида ташкил этилган 482 қўшма корхона, 70 дан зиёд компания ваколатхонаси фаолият юритмоқда.

Бугун мамлакатларимиз барча соҳалар, жумладан, юқори технологиялар тармоғи бўйича турли лойиҳаларни амалга оширишда фаол ҳамкорлик қилмоқда. Ушбу жараёнда "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонаси, "Ангрен" ва "Жиззах" махсус индустриал зоналари муҳим ўрин тутмоқда. Чунончи, "Жиззах" махсус индустриал зонасида хитойлик тадбиркорлар билан ҳамкорликда мобиль телефонлар, қурилиш материаллари ва талаб юқори бўлган бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётир.

Бизнес-форумда турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада кенгайтиришга йўналтирилган қатор инвестициявий келишувлар имзоланди.

С.ТОЖИЕВ

ХХІ аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

МАМЛАКАТИМИЗДА

● Андижонда "Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига ижтимоий аҳамиятга молик лойиҳаларни тайёрлашда ахборот-маслаҳат, услубий ёрдам кўрсатиш, лойиҳаларни ижтимоий шерикликда амалга оширишдаги билим ва кўникмаларини юксалтириш" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

● Наманган шаҳрида "Ҳиндистон ярмаркаси" деб номланган савдо кўргазмаси бўлиб ўтди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда Ҳиндистон ҳунармандлик буюмлари экспортини ривожлантириш кенгаши томонидан ташкил этилган тадбирда ҳинд диёрининг тикувчилик, ёғоч ўймакорлиги, уй-рўзғор, заргарлик, эсдалик совғалари каби миллий ҳунармандлик буюмларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган йигирмадан зиёд фирма ва компаниясининг маҳсулотлари намойиш этилди.

● Навоийда "Тинчликни мустаҳкамлаш – долзарб вазифа" мавзуида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, диний идоралар вакиллари иштирок этган тадбир "Кеча ким эдигу бугун ким бўлдик?" ғоясини мужассам этган мамлакатимиз мустақиллигидан олдинги давр ҳамда бугунги осуда ҳаётимизни акс эттирувчи расмлар кўргазмаси билан бошланди.

● Самарқандда "2015-2019 йилларда иқтисодиётни янада ислоҳ қилиш, таркибий ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурини ҳаётга татбиқ этишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг роли ва масъулиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида" мавзусида конференция-семинар бўлиб ўтди.

● Наманганда одам савдосига қарши курашда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан самарали фойдаланиш масаласига бағишланган матбуот анжумани ўтказилди.

ЖАҲОНДА

● Грецияда муддатидан олдин бўлиб ўтган парламент сайловларида Алексис Циприс бош вазир этиб сайланди. "Сириза" партиясининг етакчиси Президент саройида қасамёд қилди ва тез орада ўз маҳкамасини шакллантиради.

● Бразилия маъмурлари 2016 йилда Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги Олимпиаданинг рамзий белгисини тасдиқлашди.

● Интернет тармоғида Японияниг машҳур Honda автомобиль ишлаб чиқарувчи компаниясининг видеоролиги пайдо бўлди. Икки дақиқалик роликда ушбу компаниянинг ташкил этилган пайтидан бошлаб бугунги кунгача амалга оширган ишлари ўз аксини топган.

КАДРЛАР МАЛАКАСИ ДОИМИЙ ЭЪТИБОРДА

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки ходимларини янги молиявий инструментлар билан таништириш, бу борадаги хорижий амалиёт ҳақида билимини ошириш ва тажриба алмашиш мақсадида махсус ўқув курси бошлангани муносабати билан матбуот анжумани ўтказилди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг экспортини қўллаб-қувватлаш жамғармаси бош директори Ж.Мустафоев, "Дойче Банк АГ"нинг Нью-Йоркдаги бўлими вице-президенти Бен Бруно ва бошқалар Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов раҳнамолигида молия-банк тизимини ислоҳ этишга қаратилган изчил чора-тадбирлар мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини таъминлаш, халқаро молия институтларининг маблағларини жалб этиш ва ҳамкорликни кенгайтиришда муҳим омил бўлаётганини таъкидлади. Бунда банк ходимларининг профессионаллик даражасини ошириш, маҳаллий экспортчиларга нисбатан қўлланилаётган молиялаштириш механизмларини ривожлантириш муҳим аҳамиятга эга.

Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки хорижий давлатлар, жумладан, Германия билан иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, чет эл капиталининг мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларда қатнашишга бўлган қизиқишини уйғотиш, хорижий инвестициялар ва замонавий технологияларни жалб қилиш орқали ҳамкорликни янада ривожлантирмоқда. Бунда давлатимиз раҳбарининг жорий йилнинг 12 мартидаги Ўзбекистон Республикаси ва Германия Федератив Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорликни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Қарори дастурилама бўлаётир.

Анжуманда "Дойче Банк АГ" фаолияти ҳақида маълумот берилди. Эришилаётган ютуқлар, корпоратив бошқарув ва кадрлар салоҳияти юзасидан ўзаро фикр алмашилди.

– Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ўн беш йилдан буён ҳамкорлик қилиб келамиз, – дейди "Дойче Банк АГ"нинг бош офиси вице-президентининг ёрдамчиси Жед Мазур. – Вакиллик ҳисобрақами орқали халқаро ҳисоб-китобларни олиб бориш, ғазначилик битимлари, савдо ва лойиҳаларни молиялаш, мутахассисларнинг малакасини оширишни ташкиллаштириш шулар сирасидандир.

Матбуот анжуманида маълум қилинишича, банк ходимларининг иқтисодий билимларини янада оширишга қаратилган ўқув курсларида "Дойче Банк АГ"нинг мутахассислари молиявий ҳисобот, молиявий кўрсаткичларнинг йиллик баҳоланиши, монетар инструментлар, инвестицион баҳолаш, корпоратив молиялаш усуллари ҳақида маърузалар қилади.

Анжуманда оммавий ахборот воситалари ходимларининг саволларига соҳа мутахассислари жавоб берди.

(ЎзА)

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси томонидан маҳаллийлаштириш дастури лойиҳаларини амалга ошириш доирасида тайёр маҳсулотлар ва бутловчи қисмларни ишлаб чиқариш ҳамда саноат ва истеъмол товарлари ярмаркалари якунларига бағишланган матбуот анжумани ташкил этилди.

Анжуманлар

МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИШ ЛОЙИҲАЛАРИ АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА

Президентимизнинг 2015 йил 11 февралдаги қарори билан тасдиқланган 2015-2019 йилларда тайёр маҳсулотлар, бутловчи қисмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштириш дастурига мувофиқ жорий йилда умумий қиймати қарийб 88 миллиард сўмга тенг 30 та лойиҳанинг амалга оширилиши белгиланган.

Жорий йилнинг биринчи ярмида тармоқ бўйича 20 та лойиҳа ҳаётга татбиқ этилган бўлиб, маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар ҳажми 28 миллиард 698 миллион сўмни ташкил этди. Ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 165,1 фоизга зиёддир. Маҳсулот сотиш 2014 йилга нисбатан 229,1 фоизга ўсди. Бундан ташқари маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотлар экспорти амалга оширилди. Жумладан, Қозоғистонга қиймати 25,5 минг АҚШ долларига тенг 128 тонна ПБМБ маркали бентонитли лойқукун юборилди.

— Тармоқнинг жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомидаги фаолият якунлари бўйича Маҳаллийлаштириш дастурининг 24 та лойиҳасини амалга ошириш ҳисобига ишлаб чиқариш ҳажмини 45 миллиард сўмгача етказиш кутилмоқда, — дейди "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компанияси бош бошқармасининг Ягона техника сиёсати бўлими бош мутахассиси Санжар Бердиев. — Маҳаллийлаштирилаётган маҳсулотнинг экспорт салоҳиятини 50 минг АҚШ долларигача етказиш ҳамда қўшимча 20 та янги иш ўринларини ташкил этиш кўзда тутилмоқда. Маҳаллий хом ашё ва ресурслар асосида бешта истиқболли лойиҳаларни тайёрлаш ва амалга ошириш бўйича иш олиб борилмоқда. Ўтган йилнинг 28 октябрь – 3 ноябрь кунлари ўтказилган VIII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперацион биржа давомида "Ўзбекнефтгаз" миллий холдинг компаниясининг акциядорлик компаниялари ва корхоналари томонидан 2015 йил учун импорт ўрнини босувчи маҳсулотларни харид қилиш ва хизмат кўрсатиш бўйича умумий қиймати 967 миллиард 856 миллион сўмлик 872 шартнома тузилди. Бундан ташқари хорижий компаниялар билан қиймати 158 миллион 700 минг долларлик экспорт шартномалари тузилди.

Матбуот анжуманида бу соҳада фаолият юритаётган мутахассислар ўз чиқишларида олдинда турган мақсад ва вазифалар тўғрисида батафсил маълумот беришди. Журналистларнинг саволларига жавоблар қайтарилди.

Зиёда РАСУЛОВА



ЎзА олган сурат

КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ОҲ "ЎЗБЕКИСТОН УЛ МУВАФФАҚИЯТЛА ЭРИШМОҚДА"

(Давоми. Боши 1-бетда)

Ўзбекистон Республикаси ва Корея Ре си ўртасидаги савдо-иқтисодий а ривожи **"The Korea Times"** газетасин эътиборидан четда қолмади.

Нашр ҳозирги пайтда Ўзбекистон Жанубий Корея сармоядорлари иш 412 та корхона фаолият кўрсатаётгани 68 таси 100 фоиз Жанубий Корея капитал барпо этилганини ўқувчиларга маълум қи

"Мамлакатда Корея Республикасин компанияси ваколатхонаси очилган, – де "The Korea Times" газетасида чоп этилган — Ўтган йил якунлари бўйича ўзаро то бошлаш ҳажми 2 миллиард АҚШ долларид Бу Жанубий Кореянинг Марказий Осиё мамлакатлари билан умумий савдо ҳ қарийб ярмини ташкил қилади".

Шунингдек, мақолада ахборот-комму технологиялари соҳасидаги ҳамкорли алоҳида урғу берилган. Таъкидланганид мутахассисларининг Жанубий Корея олиши, "электрон ҳукумат" тизимин юзасидан ўзаро тажриба алмашувла қўйилган.

"Ж

ДЕМОКРАТИК ҚАДРИЯТЛАР АҲАМИЯТИ ОРТМО

"Ижтимоий фикр" жамоатч фикрини ўрганиш маркази фуқароларнинг ҳаётий қадр мақсадларини ўрганишга бағишланган ижтимоий сўро ўтказди.

Жамиятимизда қарор топган қадриятлар ва ҳар томонлама ўрганиш бугун дунёда р ган ижтимоий-сиёсий воқеаларни теран ан муҳим илмий-амалий аҳамиятга эга. Шу бо моий фикр" маркази мамлакатимиз фуқар маънавий-ахлоқий фазилатлари ва қадрият носабатини мониторинг режимида ўрганмо қадриятларимизни ривожлантиришнинг йўналишларини, ҳамюртларимизнинг сиёс моий-иқтисодий, маънавий, ҳуқуқий мад онгини аниқлаш имконини беради.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ган бу галги сўровда турли ижтимоий гур киллари, турли миллат ва динга мансуб шаҳар ва қишлоқ аҳолиси иштирок этди.

Тадқиқот натижалари маънавий-ахлоқ ятлар ва инсонпарварлик ғоялари, жумл танпарварлик, Ватанга муҳаббат, унинг та маънавий меросидан фахрланиш туйғуси тон фуқаролари учун муҳим ўрин тутиш жойи, жинси, ёши, миллати, маълумоти в аҳволидан қатъи назар, уларнинг аксар муҳим ҳисобланишини кўрсатди.

Фуқароларнинг кўпчилиги ҳаётда ўзи айян мақсадига эга бўлиб, уларга эриш тилмоқда. Сўровда қатнашганларнинг ас учун оила қуриш, билим олиш, фарзанд си, фаровонлик ва барқарорлик устувор лар ҳисобланади. Масалан, олий маълу бўлиш, ўзи учун керакли касбни танлаш ҳиятини юзага чиқаришга интилиш, Ват мат қилиш ёшларнинг ҳаётдаги энг му садларидир.

Сўровда иштирок этганларнинг 86,5 фо сий мақсадига эришишига ишонади ва тимизда бунинг учун барча зарур шароит ниятлар яратилган, деб ҳисоблайди.

Мониторинг натижаларига кўра, Ўзбе меҳнат энг муҳим ҳаётий мезонлардан Мамлакатимиз аҳолиси учун меҳнат фао миятга хизмат қилиш, мамлакат ва унинг ларига фойда келтириш имкониятидир. Сў ларда ўз ижодий салоҳиятини рўёбга интилаётган фуқаролар кўпаймоқда, улар қарли иш билан шуғулланиш касб танлаш омил ҳисобланади. Бу кўпроқ ёшлар ора моён бўлмоқда.

Фуқароларнинг ўз билими ва касб ма оширишга интилиши аҳолининг ҳаётий ме ри тизимида муҳим ўрин тутади. Истиқло рида ушбу тенденция янада кучаймоқда.

Ижтимоий сўров давомида ижтимоий қадриятлар муҳим аҳамиятга эга экани а Масалан, мустақиллик йилларида инсон эркинликларини таъминлаш ҳамда ула этишни кафолатлайдиган барча шароит яр аксарият фуқаролар учун алоҳида аҳам Тадқиқот натижаларига кўра, сўров қатна нинг 92,9 фоизи ўзини тўлиқ ҳуқуқий ҳи деб билади.

Мухтасар айтганда, мазкур ижтимоий Ўзбекистон аҳолиси демократик қадрият мақсадларни тўлиқ қўллаб-қувватлашда беради. Уларнинг аксарияти Президент демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлида раётган сиёсатини қўллаб-қувватлайди. фикрича, мамлакатимиз келажаги ва ф гини таъминлашга қаратилган вазифал этиш учун ҳар биримиз масъулмиз.

"Ижтимоий фикр" материаллари ЎзА

М.МАМЕТОВА та

Янги қонун кучга кирди

АҲОЛИНИНГ САНИТАРИЯ-ЭПИДЕМИОЛОГИК ОСОЙИШТАЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ ҚОНУНИЙ АСОСИ

Мустақиллик йилларида одамларга муносиб турмуш шароити яратиб бериш, аҳоли соғлиғини сақлаш масаласи давлатимиз ва жамиятимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда.

Айниқса аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланишга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш учун тизимли равишда ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитлар яратиб келинмоқда.

Хусусан, 1996 йилда фуқароларнинг соғлиқни сақлашга доир ҳуқуқлари давлат томонидан кафолатланишини таъминлаш, фуқароларнинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш, давлат органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг фуқаролар соғлиғини сақлаш соҳасидаги фаолиятини ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш мақсадида "Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни кучга киритилди.

1998 йилда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг Давлат дастури қабул қилинди. Бунда айниқса, юқумли ва вирусли касалликларнинг олдини олиш бўйича санитария-эпидемиология тизимини тубдан яхшилашга алоҳида эътибор қаратилди.

Санитария-эпидемиология масалаларида аҳолининг хотиржамлигини таъминлаш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида республикада алоҳида ўта хавфли юқумли касалликларнинг четдан кириб келишининг олди олинди.

Шу маънода жорий йил 27 августда матбуотда эълон қилинган "Аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур Қонун "Соғлом бола йили" Давлат дастурини рўёбга чиқариш доирасида ишлаб чиқилган бўлиб, 6 боб 42 моддадан ташкил топган. Кўриниб турибдики, ҳажмининг ўзиёқ аввалги қонундан 10 та модда кўплигини кўрсатмоқда.

Қонуннинг мақсади – аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат бўлиб, унинг қабул қилиниши муносабати билан 1992 йилдаги "Давлат санитария назорати тўғрисида"ги қонун ўз кучини йўқотмоқда.

Янги қонун аввалги қонундан ўзининг мазмун-моҳияти, кўзланган мақсадлари билан мутлақо фарқ қилади. Энг асосий янгилик, бу унинг номида мужассамдир. Агар аввалги қонуннинг номию мазмун-моҳияти давлат томонидан олиб бориладиган санитария назоратига йўналтирилган бўлса, бу қонунни ишлаб чиқишда конституциявий норма – инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланиши мантиғидан келиб чиқиб, асосий мақсад назорат эмас, балки аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги деган ғояга таянилди.

Қонунга аввалги қонундан фарқли ўлароқ бир қатор янгиликлар киритилди. Биринчидан, "аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги", "давлат санитария назорати", "инсоннинг яшаш муҳити", "санитария-эпидемиологик вазият", "юқумли ва паразитар касалликлар" каби Қонунда қўлланилган асосий тушунчалар бериб ўтилди.

Улардан бирига кўра, аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги – аҳоли соғлиғининг ҳолати бўлиб, бунда инсонга яшаш муҳити омилларининг зарарли таъсири мавжуд бўлмайди ва унинг ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитлар таъминланади.

Иккинчидан, қонунда алоҳида бобда (2-боб) аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасини давлат томонидан тартибга солишнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамланди.

Бу соҳада давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгилаб қўйилганлиги ҳам фавқулодда муҳим аҳамият касб этади. Санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш; давлат томонидан санитария-эпидемиология нормаларининг жорий этилиши; аҳолининг санитария маданияти даражасини кўтариш; давлат санитария назоратини амалга ошириш; халқаро ҳамкорликни амалга ошириш аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ташкил этади.

Шунингдек, мазкур бобда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги ваколатлари, давлат санитария назоратини амалга ошириш ваколатига эга бўлган органлар таркиби кўрсатиб ўтилди.

Қонунга кўра Вазирлар Маҳкамаси мазкур соҳада ягона давлат сиёсатининг амалга оширилишини таъминлаш, давлат дастурларини тасдиқлаш ва амалга ошириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг фаолиятини мувофиқлаштириб боришга ваколатли бўлса, жойлардаги маҳаллий давлат ҳокимияти органлари эса ушбу соҳадаги давлат дастурларини амалга оширишда ўз ваколатлари доирасида иштирок этиш, ҳудудий дастурларни тасдиқлаш ва амалга ошириш, давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тегишли ҳудудий бўлинмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириб бориш, ҳудудларнинг санитария-эпидемиологик ҳолатини яхшилашга ва тозалигини сақлашга, аҳолининг санитария маданияти даражасини оширишга доир чора-тадбирларни амалга оширишга ваколатлидир.

Давлат санитария назорати Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Давлат санитария-эпидемиология назорати республика маркази, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ҳамда шаҳарлар давлат санитария-эпидемиология назорати марказлари томонидан; Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг, Ички ишлар вазирлигининг, Миллий хавфсизлик хизматининг, "Ўзбекистон темир йўллари" акциядорлик жамиятининг тегишли таркибий бўлинмалари томонидан амалга оширилиши қайд этилди.

Амалдаги қонун ҳужжатлари ва шаклланган амалиётга кўра Қонунда давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг ваколатлари, ҳуқуқ ва мажбуриятлари аниқ кўрсатиб ўтилди. Хусусан соҳага оид қонун ҳужжатлари бузилишларининг олдини олиш, уларни аниқлаш ва бартараф этиш; аниқланган хавфлар тўғрисида аҳолини ўз вақтида хабардор қилиш; санитария-эпидемиологик вазият ҳамда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар тўғрисида юридик ва жисмоний шахсларни хабардор қилиш шартлиги кабилар давлат санитария назоратини амалга оширувчи мансабдор шахсларнинг мажбурияти сифатида белгиланди.

Учинчидан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг, нодавлат нотижорат ташкилотларининг аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлашда иштирок этишининг қонуний асослари мустаҳкамланди. Унга кўра фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари соҳага оид давлат дастурларини, ҳудудий ва бошқа дастурларни амалга оширишда иштирок этади, тегишли ҳудудда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги соҳасидаги тадбирларнинг амалга оширилиши, ҳовли ва уй атрофи ҳудудларидаги қурилишлар ҳамда ҳовли ва уй атрофи ҳудудларини сақлаш қоидаларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширади.

Тўртинчидан, қонунда алоҳида бобда (3-боб) юридик ва жисмоний шахсларнинг соҳага оид ҳуқуқ ва мажбуриятлари мустаҳкамлаб қўйилди. Хусусан, юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар фуқаролар, бошқа юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилиши оқибатида, шунингдек, санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирларни амалга ошириш пайтида ўзларининг мол-мулкига етказилган зарарнинг ўрни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда қопланиши; давлат санитария назоратини амалга оширувчи органларнинг қарорлари, улар мансабдор шахсларининг ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан бўйсунув тартибида юқори турувчи органларга ёки мансабдор шахсларга ёхуд судга белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилди.

Фуқароларнинг эса қулай яшаш муҳити, соҳага оид ахборот олиш, таклифлар киритиш, қонун ҳужжатлари бузилишлари оқибатида ўз соғлиғига етказилган зарарнинг ўрни қопланиши ҳуқуқлари билан бир қаторда мазкур соҳадаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш ҳамда бошқа фуқароларнинг соғлиқни сақлаш ва қулай яшаш муҳитига бўлган ҳуқуқлари бузилишига сабаб бўлувчи ҳаракатларга йўл қўймаслиги шартлиги каби мажбуриятларга ҳам эгалиги қайд этилди.

Бешинчидан, Қонуннинг 5-бобида санитария-гигиена тадбирларини ва эпидемияга қарши тадбирларни ташкил этиш ҳамда ўтказишнинг ташкилий-ҳуқуқий механизмлари белгиланди. Унга кўра, санитария-гигиена тадбирлари ва эпидемияга қарши тадбирлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудининг санитария муҳофазаси; юқумли ва паразитар касалликлар ўчоқларида ўтказиладиган чора-тадбирлар; профилактик эмлашлар ўтказиш; дезинфекция тадбирлари; мажбурий тиббий кўриклар; фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялашни ўз ичига олади. Қайд этиш жоизки, аввалги қонунда бундай мазмундаги боб мавжуд эмас эди.

Қонунга кўра юқумли ва паразитар касалликларнинг пайдо бўлиш ёки тарқалиш хавфи юзага келган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари тегишлича Ўзбекистон Республикаси Бош давлат санитария врачи ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар бош давлат санитария врачларининг, улар ўринбосарларининг тақдимномасига кўра тегишли ҳудудларда ёки объектларда белгиланган тартибда чекловчи тадбирлар (карантин) жорий этиши мумкин.

Аввалги қонунда белгиланмаган қоидалардан яна бири, бу – юқумли касалликлар пайдо бўлиши ва тарқалишининг олдини олиш мақсадида ўтказиладиган профилактик эмлашлардир. Қонунда профилактик эмлашларнинг Профилактик эмлашларнинг миллий тақвимига мувофиқ, шунингдек эпидемик кўрсатқичлар бўйича ўтказилиши белгиланди.

Қонуннинг яна бир янгилиги, бу фуқароларни гигиеник ўқитиш ва тарбиялаш бўлиб, мазкур тадбир уларнинг гигиенага, соғлом турмуш тарзига, соғлиқни сақлашга доир билимлар, кўникмалар ҳамда малакаларни эгаллашига қаратилади ва касалликларнинг олдини олиш мақсадида ўтказилади.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонун инсон ҳаёт фаолияти учун қулай шарт-шароитлар таъминланишига, касалликларнинг олдини олишга янада кўпроқ эришишга, аҳоли саломатлигини сақлаш ва мустаҳкамлашга, санитария нормалари ва қоидаларини қатъий бажаришга хизмат қилади.

Миравзал МИРАКУЛОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлар номзоди

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида истиқлол йилларида муқаддас динимизни, азиз-авлиёларимизнинг бой меросини чуқур ўрганиш, табаррук қадамжоларни ободонлаштириш, миллий урф-одатларимизни асраб-авайлаш ҳамда тарғибот-ташвиқотларни ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

ЭЗГУЛИК ВА САХОВАТ АЙЁМИ

Давлатимиз раҳбарининг 2015 йил 18 сентябрдаги "Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ юртимизда ушбу айёмни кўтаринки руҳда нишонлашга изчил ҳозирлик кўрилмоқда.

Республика "Маҳалла" хайрия жамоат фондидан олинган маълумотларга кўра, мамлакатимизнинг барча маҳаллаларида Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини тушунтириш, асрлар оша келаётган ёш авлодни истиқлол ғояларига садоқат, миллий ва умумбашарий қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга қаратилган тадбирлар ўтказилмоқда. Давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда уюштирилаётган хайрия тадбирларида халқимизга хос инсонийлик, саховатпешалик, шукронalик фазилатлари яққол намоён бўлмоқда. Жойларда муқаддас даргоҳлар, қабристонлар ва уларнинг атрофлари ободонлаштирилмоқда. Кам таъминланган оилалар, ногиронлар, бемор-ларга кексалар, ногиронлар ҳолидан хабар олиниб, Меҳр-шафқат, Мурувват ва Саховат уйларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатилаётир.

– Вилоятимиздаги барча фуқаролар йиғинларида байрам олдидан ободонлаштириш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда, – дейди "Маҳалла" ҳайрия жамоат фондининг Навоий вилояти бўлими раиси Нормурод Исоқов. – Қишлоқ ва маҳаллаларда ҳашар уюштирилиб, қабристон ва зиёратгоҳлар тартибга келтирилмоқда. Хусусан, Нурота туманидаги Чашма зиёратгоҳи, Кармана туманидаги Қосим Шайх мадрасаси ва унинг атрофида кенг кўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилди.

Ҳайит арафасида Тошкент шаҳрида ҳам хиёбонлар, майдонлар, боғ ва ҳовлиларни саранжом-саришта қилиш, дарахтларга шакл бериш юмушлари бажарилмоқда.

– Маҳалламизда Қурбон ҳайитини тинч-осойишта, байрамона кайфиятда кутиб олиш ва ўтказиш учун барча чора-тадбирлар кўрилди, – дейди Чилонзор туманидаги "Мевазор" маҳалла фуқаролар йиғини раиси Абдуғаффор Султонов. – Ёлғиз кексалар, беморлар ҳолидан хабар олиниб, уларга дори-дармон, озиқ-овқат маҳсулотлари ва байрам совғалари топширилмоқда. Ҳайит арафасида маҳалламиз ҳудудидаги 114-мактаб атрофи ободонлаштирилди. Болалар боғчаси, кўп қаватли уйлар йўлаклари таъмирланди. Аёйм кунлари фойдаланишга топшириладиган шифохона маҳалламиз аҳли учун яна бир қулайлик бўлади.

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати томонидан уч авлод учрашувларида ёшларнинг фаол иштирокини таъминлаш, уларни эзгу анъаналаримизнинг муносиб давомчилари этиб тарбиялаш чоралари кўрилмоқда. "Нуронийлар эъзозда" патронаж ёшлар ҳаракати аъзолари ўзлари яшаётган ҳудуддаги уруш ва меҳнат фахрийлари, ногиронлар, боқувчисини йўқотганлар ҳолидан хабар олмоқда. Жойларда ободонлаштириш юмушларига ҳисса қўшиш мақсадида жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларида ёшлар иштирокида тарихий обидалар ва қабристонларда ҳашар уюштириш белгиланган.

– Шаҳримиздаги қабристон ва тарихий обидалардаги ободонлаштириш ишларида юзлаб йигит-қизлар иштирок этмоқда, – дейди "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Қўқон шаҳар кенгаши раиси Отабек Расулов. – "Камолот" бошланғич ташкилотлари етакчилари маҳалла фаоллари билан ҳамкорликда ёлғиз кексалар, ногиронлар ва ўзгалар кўмагига муҳтож инсонларнинг уйларига бориб, рўзғор юмушларида кўмаклашмоқда. Шу кунгача эътиборсиз қолган 1 мингдан ортиқ инсон ҳолидан хабар олиниб, улар моддий ва маънавий қўллаб-қувватланди.

Халқимиз Қурбон ҳайитини эзгу амаллар ва кўтаринки руҳ билан кутиб олаётгани юртимизнинг осойишталиги, осмонимиз мусаффолиги, халқимизнинг ҳамжиҳатлиги, бағрикенглиги, дастурхонимиз тўкинлигидандир.

Сайёра ШОЕВА,
ЎзА мухбири


Окил Ғуломов олган сурат

Таълим

ЮКСАК ИЖОДИЙ ПАРВОЗЛАР САРИ

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида навқирон авлоднинг маънавий олами ва маданий савиясини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 8 июлдаги "Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009-2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишларда муҳим аҳамият касб этмоқда.

Мазкур дастур асосида кўплаб мусиқа ва санъат мактаблари таъмирланмоқда, янгилари бунёд этилмоқда. Бу таълим даргоҳларида яратилган қулай шароитлар ёш авлоднинг маданият ва санъат соҳасида салмоқли ютуқларга эришишида муҳим ўрин тутмоқда.

Пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 27-болалар мусиқа ва санъат мактаби ҳам ёш иқтидор соҳибларини кашф этаётган ана шундай таълим масканларидан. Бу ерда ёшлар фортепьяно, торли, дамли ва камонли чолғулар, хореография, эстрада хонандалиги, анъанавий ижрочилик, тасвирий санъат каби йўналишлар бўйича таҳсил олмоқда. Икки юздан ортиқ ўқувчига ўттиз еттита педагог санъат сирларидан сабоқ бериб келаётир.

– Таълим муассасамиз 2013 йили реконструкция қилинган, – дейди мактаб директори Ислом Яртиев. – Натижада мактабимиз янги мусиқа асбоблари, ўқув қуроллари, машғулот синфлари ҳамда фанларга ихтисослаштирилган лабораторияларга эга бўлди.

Бу имкониятлар ёшларнинг пухта билим олиши, турли танлов ва фестивалларда муваффақиятли иштирок этишида муҳим омил бўлмоқда. Жумладан, мактабнинг "Дуторчи қизлар" ансамблидан Камола Баҳриддинова, Юлдуз Ўринова, Айше Ҳабибуллаева, Севинч Далабоева ўтган йили пойтахтимизда ўтказилган «Камалак юлдузлари» фестивалида иккинчи ўринни қўлга киритди. Яна йигирмага яқин ёш ижрочи мамлакатимизда ўтказилган турли кўрик-танловларда фахрли ўринларга сазовор бўлди.

Таълим даргоҳида янги ўқув йили кўтаринки руҳда бошланди.

– Мусиқа инсон онгига ижобий таъсир этади, – дейди ЎзА мухбирига хореография ва фортепьяно ўқитувчиси Ирина Николаева. – Фақат бола чалаётган куй, мусиқа асбоби унинг қизиқиши, диди, дунёқарашига мос бўлиши керак. Шунда унинг санъатга меҳри янада юксалади, маҳорати тобланади. Машғулотларимизда бунга алоҳида эътибор қаратганмиз.

– Уч йилдан буён дутор чалиш сирларини ўрганмоқдаман, – дейди мактаб ўқувчиси Камола Баҳриддинова. – Гуруҳимиз билан пойтахтимизда ўтказилаётган турли мусиқа ва санъат фестивалларида муваффақиятли иштирок этиб келаяпмиз. Бу биз каби ёшларни таълим жараёнида турли фанларни янада мукаммал ўрганишга ундайди.

Қарор ва ижро

ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ – САЛОМАТЛИК АСОСИ

Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудида кўзни қувонтирадиган, ўқувчиларни янги билим ва марралар сари ундайдиган замонавий мактаблар қад ростлаган. Уларда ўғил-қизларнинг билим олиши, спорт билан шуғулланиши учун барча шарт-шароит яратилган.

Хўш, мактабларимиз ошхонасида аҳвол қандай? Мактаб ошхонасида қандай озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш мумкину қайсилари мумкин эмас?

– Тўғри овқатланиш инсон саломатлигининг муҳим омилидир, – дейди Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигининг таълим муассасалари фаолиятини ташкил этиш бош бошқармаси етакчи назоратчиси Абдурашид Содиқов. – Мазкур масала Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги "Таълим муассасаларида соғлом овқатланиш шарт-шароитларини яхшилаш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан тартибга солинган. Ушбу ҳужжат асосида Республика санитария-эпидемиология назорати марказида "Республика умумтаълим мактаблари, академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг хавфсиз овқатланишини ташкил қилишни таъминлаш тўғрисида"ги қарор тасдиқланган. Вазирлигимиз томонидан ҳудудларда ушбу масала юзасидан назорат қилувчи махсус ишчи гуруҳлари тузилган. Улар таълим муассасалари ошхоналарида ўқувчиларнинг тўғри овқатланишини ташкил этиш, бола организмини учун зарарли маҳсулотлардан воз кечиб, сифатли ва витаминларга бой озиқ-овқатларни сотиш тизимини самарали йўлга қўймоқда. Мактабларда бола организми учун зарарли моддалар бўлган озиқ-овқат маҳсулотларини истеъмол қилишнинг салбий оқибатлари "Саломатлик сабоқлари", "Соғлом авлод асослари" дарслари орқали ўқувчиларга етказилмоқда. Мазкур йўналишда ота-оналар йиғилишларида ҳам мунтазам тушунтириш ишлари олиб борилаётир.

Умумтаълим мактабларнинг 1-4 синф ўқувчилари учун 8 номдаги мультимедиа маҳсулотлари ишлаб чиқилган бўлиб, ундан "Кун тартиби", "Тўғри овқатланиш", "Шахсий гигиена", "Зарарли одатлар", "Витаминлар", "Жисмоний фаоллик ва спорт" каби мавзулар ўрин олган. Дарсларда ўқувчилар соғлом овқатланиш тартиби, санитария ва гигиена қоидалари, зарарли одатлар ва уларнинг олдини олиш, витаминларнинг инсон саломатлигидаги аҳамияти ҳамда атроф-муҳитнинг инсон саломатлигига зарарли таъсирини камайтириш бўйича тушунчалар берилади.

– Баъзи ота-оналар фарзандим қандай озиқ-овқат истеъмол қилса, аъло баҳоларга ўқийди, деб сўрашади, – дейди Тошкент Тиббиёт академияси биринчи клиникаси диетологи Карима Жабборова. – Ўқувчи мияси овқат билан кирган энергиянинг 25 фоизини дарс жараёнида ишлатар экан. Шунинг учун болалар 7-10 ёшида овқат билан бирга кунига 2000 килокалория қабул қилиши керак. Бу кўрсаткич 11-12 ёшда 2400-2600, 16 ёшда 3000 килокалорияни ташкил этади. Сосиска, гамбургер, қовурилган картошка ва шоколадли ширинликлар ўқувчи соғлиғи учун зарарли ҳисобланади. Чунки яримтайёр маҳсулотларнинг ҳазм бўлиши жуда қийин кечади. Оқибатда ўқувчи дарс жараёнида безовта бўлади, мавзуни қабул қилиш имконияти пасаяди. Боланинг аъло баҳоларга ўқишида суюқ таомлар, мева ва сабзавотлар, гўшт ва сут маҳсулотларининг аҳамияти катта.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жорий йил 29 августдаги "2015-2020 йиллар даврида Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг соғлом овқатланишини таъминлаш концепциясини ва чора-тадбирлар комплексини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарори таълим муассасалари тарбияланувчилари ҳамда ўқувчи-талабаларнинг соғлом овқатланиш тизимини тубдан яхшилаш, ошхона ва буфетларда санитария-гигиена талабларига жавоб берадиган шарт-шароитларни яратишда муҳим ўринга эга.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигидан маълум қилишларича, мамлакатимиз умумтаълим мактабларининг кўпчилигида замонавий ошхоналар мавжуд, айримларида буфетлар очилган. Мактаб ошхоналарининг моддий-техник базасини яхшилаш, уларда санитария-гигиена қоидаларига риоя қилиш ҳамда ўқувчининг овқат рационини шакллантиришда муҳим саналган сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни ташкил этиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Қашқадарё, Андижон, Бухоро, Наманган, Хоразм вилоятларида ўтказилган семинарларда айнан мактаб ошхоналари фаолиятини тартибга солишда таълим муассасалари раҳбариятининг ролини ошириш, бу жараёнга ота-оналарни кенгроқ жалб этиш масалаларига эътибор қаратилган.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманидаги 180-давлат ихтисослаштирилган умумтаълим мактабида ҳам ўқувчиларнинг тўғри овқатланишини ташкил этиш борасида муайян ишлар амалга оширилмоқда. Мактаб ошхонасида сифатли ва экологик тоза маҳсулотлар савдоси йўлга қўйилган. Ошпаз Зиёда Нурматова ўз ишининг фидойиларидан.

– Тушлик пайтида болаларга иссиқ овқат, турли шарбатлар, пиширикдар берилади, – дейди у. – Таомлар ўқувчиларга арзон нархларда сотилади. Уларнинг сифати махсус комиссия томонидан доим назорат қилиб борилади.

– Ҳамма ўқувчини ҳам мактаб ошхонасидан овқатланишга мажбур қилиб бўлмайди, – дейди ЎзА мухбирига мактаб директорининг маънавий-маърифий тарбия ишлари бўйича ўринбосари Севара Алимова. – Баъзи ўқувчилар ота-онаси берган пулга танаффус пайтида мактаб ташқарисидан турли ичимликлар, енгил таомлар харид қилади. Энг ёмони, мактаб атрофида баъзи "тадбиркор"лар қўлбола "савдо расталари" ташкил этиб, у ерда сақич, писта, қуёшда эриб кетган сифатсиз шоколад ва ҳатто, тамаки маҳсулотларини сотаётганига гувоҳ бўламиз.

Бугун мактаб ошхоналари тобора такомиллашиб, ўқувчилар соғлиғи учун фойдали маҳсулотлар билан бойиб бормоқда. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ўрнатилган тартиб-қоидаларга риоя қилаяпти, деб бўлмайди. Сабаби, айрим мактаб ошхоналарини қўздан кечирар эканмиз, у ерда савдода тақиқланган маҳсулотлар ҳам сотилаётганига гувоҳ бўлдик. Мактаб маъмурияти бундай пайтда нега ошхонани эътиборсиз қолдираётгани, ошпазлар бефарқликка йўл қўяётгани кишини ажаблантиради.

– Овқат организмга зарур бўлган асосий озиқ моддалар – оқсил, ёғ, углевод, турли витаминлар, минераллар манбаидир, – дейди республика санитария-эпидемиология назорати марказининг болалар ва ўсмирлар гигиенаси бўлими бошлиғи Ниля Солиҳова. – Республика санитария-эпидемиология назорати марказининг 2010 йил 18 сентябрдаги қарорига мувофиқ умумтаълим муассасалари ошхоналарида сотилиши тақиқланган маҳсулотларга гамбургер, чизбургер, хот-дог, сосиска ва колбаса маҳсулотлари, чипслар, газланган салқин ичимликлар киради. Кремли қандолат маҳсулотлари, ўткир таъмли соуслар, кетчуплар, майонез, консервалар, мариновка қилинган сабзавот ва мевалар, тетиклантирувчи ва қувватни оширувчи ичимликлар савдоси ҳам ман этилган.

Ўқувчиларнинг пухта билим олишида, ҳар томонлама соғлом ва баркамол бўлиб ўсиб-улғайишида тўғри овқатланишнинг аҳамияти беқиёс. Шу боис ота-оналар фарзандларининг нафақат билим олиши, шу билан бирга, овқатланиш рационига ҳам жиддий эътибор қаратиши уларнинг ҳеч кимдан кам бўлмай вояга етишида муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Азима ҚИЁСОВА

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси ИИББ Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказий кенгаши ташаббуси билан пойтахтимизнинг бир неча зиёратгоҳларига саёҳат уюштирилди.

ХАЙРЛИ ТАШАББУС

Унда Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш марказий кенгаши раиси, истеъфодаги полковник Муҳаммадниёз Абутов, кенгаш аъзолари ҳамда туман Ички ишлар бўлимлари Фахрийлар кенгаши раислари ва аъзолари иштирок этишди.

Фахрийлар аввало, мамлакатимиз пойтахтининг тараққиёти йўлида ҳисобланган Мустақиллик майдонига ташриф буюришди, Хотира майдонидаги Мотамсаро она ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Шундан сўнг зиёратчилар Тошкент кўчалари ва майдонларини кезиб турувчи ёдгорликлар орасида "Жасорат" монументал мажмуасига ташриф буюришди. У Тошкент тарихида чуқур из қолдирган деярли ярим аср муқаддам бўлиб ўтган зилзила ҳодисаларига бағишланган. Бу ёдгорлик бугунги кунда тошкентликлар хонадонидаги тинчлик-осойишталикни ўзида акс эттиради.

Зиёратчилар ўз саёҳатини давом эттириб, Тошкент вилоятининг Зангиота мажмуасига қараб йўл олишди. Тошкент вилояти Зангиота қишлоғидаги ушбу меъморий ёдгорлик XIV асрнинг 90-йилларида соҳибқирон бобомиз Амир Темур томонидан қурдирилган ва XV асрнинг бошларида, Мирзо Улуғбек даврида безак ишлари бажарилган.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори асосида Тошкент вилоятидаги Занги ота мажмуаси ва унга туташ ҳудудларда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳозирги кунда ёдгорлик ўзгача қиёфа касб этиб, янада чирой очган. Фахрийлар бу ерни зиёрат қилиш давомида, мана шундай аждодларидан ва юртимизда олиб борилаётган улкан ободонлаштириш ишларидан фахр туйғусини туйишди.

Саёҳат сўнгида фахрийлар ички ишлар идораларида кўп йиллар фаолият юритиб, бугунги кунда қарилик гаштини сураётган 88 ёшли истеъфодаги полковник Комил Тошматовнинг хонадонига ташриф буюриб, ҳолидан хабар олишди. Кекса отахонга совғалар бериб, кўнглини кўтаришди ва дилдан суҳбат қуриб, ички ишлар идораларида хизмат қилган даврларини хотирлашди.

Сарвар СОБИРОВ

Одам савдосига қарши курашиш – долзарб вазифа

ТАРҒИБОТ ИШЛАРИ КУЧАЙТИРИЛМОҚДА

"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати Миробод тумани кенгаши томонидан Миробод енгил саноат ва сервис касб-ҳунар коллежида "Одам савдоси – давр муаммоси" деб номланган семинар ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимизда одам савдосининг олдини олиш, унга қарши курашиш, ушбу жараёнларда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, ёшларнинг келажакда ўз касбининг етук мутахассиси бўлиб етишишига кенг имконият яратишга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Бугунги кунда одам савдоси инсон, унинг ҳуқуқлари, эркинлиги ва қадр-қиммати, осойишта ҳаёти ҳамда келажагига жиддий таҳдид солаётган жаҳон миқёсидаги мураккаб муаммога айланди. Мазкур иллатга қарши курашиш борасидан мамлакатимизда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

2008 йил 17 апрелда қабул қилинган "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни ва Президентимизнинг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ёшларимиз ҳозирги глобаллашув, ахборот алмашишнинг кескин ўсиши шароитида турли салбий оқимларнинг таъсирига тушиб қолмасликлари, уларнинг бандлик даражасини ошириш учун оилада тарбиянинг ролини кучайтириш, йигит-қизларни меҳнатсеварликка ўргатиш, қолаверса, оила, маҳалла, таълим муассасаларининг ҳамкорликдаги фаолиятига масъулият билан ёндашиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўқувчи-ёшлар орасида ёшларни диний ақидапарастлик ва экстремистик ҳаракатлар таъсиридан ҳимоя қилиш, одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш ва тарбиявий ишларни кучайтириш мақсадида "Одам савдоси – давр муаммоси", "Қулликка рози бўлманг!", "Огоҳ бўлинг, одамлар!", "Сенинг тақдиринг ўз қўлингда" каби мавзуларда турли тадбирлар ўтказилмоқда.

Семинарда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Ш.МАМАТУРОПОВА,
ЎзА мухбири

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига Тошкент вилояти, Зангиота туман СИБ томонидан №7450/24-сонли ижро варақасига асосан қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда:

1.Тошкент вилояти, Зангиота тумани, Кўксарой қ.ф.й. Мустақиллик 1-тор кўчаси, 19-уй манзилида жойлашган кўчмас мулк. Бошланғич баҳоси 102 502 493 сўм.

2.Тошкент вилояти. Зангиота тумани, Кўксарой қ.ф.й. Мустақиллик 1-тор кўчаси, 21-уй манзилида жойлашган кўчмас мулк. Бошланғич баҳоси 135 056 825 сўм.

Аукцион савдоси 2015 йил 26 октябрь куни соат 11.00 да Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2015 йил 26 октябрь куни савдода сотилмаган тақдирда мазкур кўчмас мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2015 йил 11 ноябрь куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар кўчмас мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ ТИФ МБ Учтепа филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 2020 8000 9049 3605 0001, МФО: 00918. СТИР: 207 125 885. Манзил: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Тел.: 233-09-38. Ички 258. Лицензия: RR-0052.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани "Қумовул" ҚФЙ ҳудудида жойлашган "Aziz Baraka Rizq" ИНН (303200832) фермер хўжалиги ихтиёрий равишда тугатилади. Барча эътироз ва таклифлар икки ой мобайнида +99891 135-93-93 телефони орқали қабул қилинади.

Спорт янгиликлари

СОВРИНДОР БЎЛИШДИ

Мамлакатимизда келажагимиз ворислари — болажонларнинг маънан етук, жисмонан бақувват бўлиб вояга етишлари йўлида кенг кўламли ишларнинг амалга оширилаётганлиги ўз самарасини бермоқда.

Айниқса, болалар ўртасида спортнинг барча турларини, хусусан, гандболни янада оммалаштириш мақсадида тез-тез турнирлар ташкил этилаётганлиги қувонарли ҳол.

Яқинда Жиззахда 2000-2001 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида гандбол бўйича уюштирилган республика турнири "Олимпия умидлари" деб номланди.

Унда Тошкент шаҳри ҳамда мамлакатимизнинг барча вилоятларидан ташриф буюрган 14 та жамоа ғолиблик учун кураш олиб борди.

Муросасиз ва қизиқарли кечган баҳслар якунида мутахассисларга пойтахтлик, хоразмлик, жиззахлик ҳамда қашқадарёлик гандболчиларнинг ҳаракатлари маъқул бўлди.

Турнирнинг 3-4 ўринлари учун беллашув Тошкент шаҳри ҳамда Хоразм вилояти жамоалари ўртасида кечди. Кескин ва муросасиз баҳсда 29:26 ҳисобида ғалаба қозонган тошкентликлар жамоаси 3-ўринни эгаллади.

Бош соврин учун Жиззах ҳамда Қашқадарё жамоалари ўзаро баҳслашишди. Қизиқарли баҳс 26:24 ҳисобида жиззахликларнинг ғалабаси билан якунланди.

Турнир якунида ғолиб ва совриндор жамоаларга совринлар ҳамда эсдалик совғалари туҳфа этилди.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ



Пойтахтимиздаги "Жар" спорт-соғломлаштириш мажмуасида "Яшил майдон маликалари" республика спорт мусобақасининг финал учрашуви ҳамда ғолибларни тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

Биринчи ўрин учун бўлиб ўтган учрашувда Тошкент вилояти жамоаси Фарғона вилояти вакиллари устидан 2:0 ҳисобида ғалаба қозонди ва мусобақа бош совринини қўлга киритди.

Муҳаммад Амин олган сурат

ТОШКЕНТДА ХАЛҚАРО СЕМИНАР

Пойтахтимизда таэквондо (ITF) мураббийлари учун халқаро семинар ўтказилди.

Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлар вазирлиги, Таэквондо федерацияси (ITF) ва Халқаро таэквондо федерацияси (ITF) ҳамкорлигида ташкил этилган семинарда 100 нафар мутахассис ва мураббий иштирок этди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида спортни ривожлантириш, ўсиб келаётган ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар қилиб тарбиялашга доимий эътибор ва ғамхўрлик қаратилаётгани таъкидланди. Бунинг самарасида юртимизда спортнинг яккакураш турлари, жумладан, таэквондо ҳам ёшлар ўртасида оммалашиб, улар орасидан маҳоратли спортчилар сараланмоқда. Терма жамоамиз аъзоларининг халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этиши учун қулай шарт-шароит яратилаётир.

– Ўзбекистонда спорт ривожи учун жуда кенг имкониятлар яратилган, – дейди ЎзА мухбирига аргентиналик мутахассис Хектор Марано. – Семинар давомида мураббийлар катта тажрибага эгалиги, мамлакатингизда улкан салоҳият ва маҳоратли спортчилар тарбияланаётганига гувоҳ бўлдим.

Семинарда таэквондони халқаро миқёсда ва юртимизда босқичма-босқич ривожлантириш, мураббийларнинг тажрибасини ошириш, халқаро мусобақаларни юқори савияда ташкил этиш, спортчиларнинг маҳоратини юксалтириш, ўзаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш каби масалалар муҳокама қилинди.

Ж.ТОШХЎЖАЕВ

"ЛОКОМОТИВ" АЪЗОСИ ЭНГ ЯХШИ ФУТБОЛЧИ

Ўзбекистон Профессионал футбол лигаси томонидан мунтазам равишда аниқлаб борилаётган ой лауреатларининг август ойи учун ғолиблари номи эълон қилинди.

Бу сафарги танлов натижаларига кўра Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоси, иқтидорли ярим ҳимоячи Санжар Шоаҳмедов 55 очко тўплаган ҳолда август ойи лауреати деб топилди. Ўтган ой давомида бешта ўйинда иштирок этиб, тўртта гол уришга муваффақ бўлган пойтахтимизнинг "Локомотив" жамоаси аъзоси энг яқин таъқибчиларини бир очко ортда қолдиришга эришди.

Муборакнинг "Машъал" клуби ҳужумчиси Ҳумоюн Муртазоев ҳамда "Насаф" тўпурари Азамат Алланиёзовлар 54 очкодан жамғариб иккинчи ва учинчи поғоналардан жой олишди. Шунингдек, Зафар Полвонов, Жасур Ҳасанов, Отабек Ҳайдаровлар етакчиларга қараганда бир неча очкога ортда қолганлиги сабабли кучли учликдан жой олишмади.

Футбол бўйича, Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси келаси йили Ҳиндистонда ўтказиладиган Осиё чемпионатининг саралаш ўйинлари доирасидаги барча учрашувларда йирик ҳисобдаги ғалабаларга эришиб, мусобақа йўлланмасини қўлга киритди.

ОСИЁ ЧЕМПИОНАТИГА ЙЎЛЛАНМА ОЛИНДИ

Ўзининг илк учрашувида Мальдив ороллари жамоаси дарвозасига жавобсиз саккизта тўп киритган ҳамюртларимиз кейинги ўйинда мезбон Фаластинни 6:0 ҳисобида мағлубиятга учратди. Ниҳоят, Фаластиндаги "Файсал ал-Ҳусайн" стадионида Яман ўсмирлар терма жамоасига қарши бўлиб ўтган сўнгги тур баҳсида Темур Олимхўжаев бошчилигидаги футболчиларимиз рақибни 5:2 ҳисобида доғда қолдиришди.

Йўлланма масаласини ҳал қилиб берган муҳим учрашувдаги дастлабки гол Расул Йўлдошев ҳисобига ёзилди. Бироқ орадан ўн дақиқача вақт ўтиб рақиб жамоа ҳисобни тенглаштиришнинг уддасидан чиқди. Муҳаммад ал-Ҳамдони киритган голга Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси сардори Абубакр Мўйдинов дарҳол жавоб қайтариб, ҳисобда яна жамоадошларини олдинга олиб чиқди, 2:1. Танаффусга чиқиш олдидан Шуҳрат Неъматов ҳам гол уриб ғалабага ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Биринчи бўлим 3:1 ҳисобида Ўзбекистоннинг ғалабаси билан якунланди.

Учрашувнинг иккинчи бўлимида Расул Йўлдошев яна икки бор рақиб дарвозасини аниқ нишонга олди. Бу унинг ушбу саралаш босқичидаги иккинчи хеттрики бўлди. Биринчи ўйинда олган жароҳати туфайли Фаластин билан ўйинда майдонга тушмаган Йўлдошев икки ўйинда 6 та гол киритишга муваффақ бўлди.

Учрашувга қўшиб берилган дақиқалар ўтиб бораётган бир пайтда Яман ҳисобдаги фарқни бироз қисқартирди. Мурод Муршид киритган бу гол Яманни йирик ҳисобдаги мағлубиятдан қутқариб қолмади – 5:2.

Демак, Ўзбекистон ўсмирлар термаси саралаш баҳсларининг "А" гуруҳи ғолиби сифатида келаси йилнинг 15 сентябридан 2 октябригача Ҳиндистонда ўтказиладиган Осиё чемпионати финал босқичида қатнашадиган бўлди.

Ботир ХЎЖАЕВ

Туркиянинг Самсун шаҳрида таэквондо бўйича иккинчи Гран-при мусобақасида иштирок этган ҳамюртимиз Дмитрий Шокин йирик ҳисобдаги ғалабалар эвазига шоҳсупадан жой олди.

ТАЭКВОНДОЧИМИЗ ШОҲСУПАДА

Таэквондочимиз дастлаб Лондон Олимпиадаси чемпиони италиялик Карло Молфеттани 13:1 ҳисобида мағлубиятга учратди. Чорак финал баҳсида эса Америка Қўшма Штатлари терма жамоаси етакчиси Стефан Ламбдинни 13:0 ҳисобида енгди. Афсуски, финал масаласи ҳал этиладиган муҳим жангда эронлик Сажжад Мардоний вакилимизга жиддий қаршилик кўрсатиб бир очко фарқи билан ғалаба қозонди.

Шундай қилиб, яқиндагина Москвада ўтказилган Гран-при турнирида ғолиб чиққан таэквондочимиз Дмитрий Шокин навбатдаги турнирда 80 килограммдан юқори вазнда совриндорлар қаторидан жой олди.

Ушбу вазн тоифасида даянга чиққан яна бир таэквондочимиз Жасур Бойқўзиев илк беллашувда Жанубий Корея вакили Чольхо Жога 3:4 ҳисобида имкониятни бой бериб қўйди.

КУРАШ ОСИЁ ЎЙИНЛАРИ ДАСТУРИДА

Туркманистон пойтахтида ўтказилган Осиё Олимпия Кенгашининг Бош ассамблеясида курашни 2018 йилги Индонезиянинг Жакарта шаҳрида бўлиб ўтадиган навбатдаги Осиё ўйинлари дастурига киритилгани расман тасдиқланди.

Бош ассамблеянинг мазкур қароридан бир ой муқаддам Қувайтда Халқаро Кураш Ассоциациясининг навбатдаги ижроқўм йиғилиши бўлиб ўтган эди. Унда Кураш Халқаро Ассоциацияси президенти ва Осиё Олимпия Қўмитаси Осиё ўйинлари департаменти раҳбари Ҳайдар Фармон иштирок этиб, курашнинг Осиё ўйинлари дастурига киритилишини бир овоздан қўллаб-қувватлаган эди.

Эндиликда уч йилдан сўнг ўтказилувчи қитъа ўйинларида 15 вазн тоифасида медаллар жамланмаси ўйналади. Шунингдек, кураш бўйича 2016 йили Вьетнамда Осиё соҳил ўйинлари, 2017 йил Туркманистонда ёпиқ иншоотлардаги Осиё ўйинлари бўлиб ўтади.

Эслатиб ўтамиз, 2006 йил Қатар мезбонлик қилган Осиё ўйинларида ҳам кураш бўйича қизғин беллашувлар кечган.

"101"

ЁНҒИН ХАВФСИЗЛИГИ ҚОИДАЛАРИГА РИОЯ ЭТАЙЛИК

Ҳар бир хонадон эгаси газ баллонларидан фойдаланишда қатъий ўрнатилган тартиб-қоидалар борлигини унутмаслиги лозим.

"Марказгазтаъминот" УКси шаҳар, туман филиалларининг махсус автомашиналарида келтирилган ёки газ шохобчаларидан ҳужжат асосида олинган маиший газ баллонларидан фойдаланиш зарур. Автомобилларга яширин йўллар билан керагидан ортиқ газ тўлдириш мудҳиш оқибатларга олиб келади. Яшаш хонасида ташқи қисми яроқсиз, синовдан ўтмаган ёки керагидан ортиқ, яъни 8,5 фоиздан ортиқ газ билан тўлдирилган баллони иссиқлик таъсирида кенгайиши оқибатида турли кўнгилсизликлар келиб чиқиши мумкин.

Газ баллонларидан фойдаланишда ўрнатилган қатъий тартиб-қоидаларга амал қилиниши кишилар ҳаётини асрашда муҳим аҳамиятга эгалигини унутмаслик зарур.

Аҳолининг суюлтирилган газ билан таъминлаш чоратадбирлари амалга оширилаётган бир вақтда фуқаролар томонидан газ баллонларидан фойдаланишга оид қоидаларнинг бузилиши ҳолатлари ҳам келиб чиқмоқда. Оқибатда эса бир қанча кўнгилсиз ҳодисалар рўй бераётир. Газ баллонларини вақти-вақти билан синовдан, текширувдан ўтказиш, улардан ошхона, яшаш хонасидан алоҳида қуёш нури, иссиқлик таъсиридан узоқлаштирилган ҳолда фойдаланиш лозимлиги унутилмоқда.

Ёнғинларнинг айримлари газ баллонларидан нотўғри фойдаланиш натижасида келиб чиқмоқда. Бу каби кўнгилсиз ҳолатлар фуқароларга сабоқ бўлиши, улар ўзларига хулоса чиқариб олишлари лозим. Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари сизларга хонадонингизда ҳеч қачон ёнғиндан талофат кўрмаслигингиз йўлида хизмат қилади. Хулоса ўрнида айтиш жоиз — ёнғиннинг олдини олиш барчамизнинг бурчимиз эканлигини унутмайлик.

Улуғбек МЎМИНОВ, Сергели тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, сержант

Экология

ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИ БАРЧАМИЗНИНГ БУРЧИМИ

Ўзбекистон Республикаси табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси оми ахборот воситалари вакиллари учун "Falconry Club" ноёб йиртқич қушлар қўриқхонасига медиа-тур ташкил қилд

Президентимиз раҳнамолигида атроф-муҳит муҳо ра ва фауна хилма-хиллигини таъминлашга алоҳи қаратилмоқда.

Ноёб табиий бойликларни асраб-авайлаш, уларни бораётган турларини кўпайтириш, муҳофаза қилинади худудларни кенгайтириш, инсоннинг табиатга салби нинг олдини олиш мамлакатимизда амалга оширил логик ислоҳотларнинг муҳим йўналишларидандир. Ўзбе публикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 27 май 2017 йилларда Ўзбекистон Республикасида атроф фазаси бўйича ҳаракатлар дастури тўғрисида"ги қар даги ишлар кўламини янада кенгайтиришга хизмат

Мамлакатимизда ўттизга яқин кўриқхона, миллий лари, ноёб ҳайвон ва қушларни сақлаш ва кўпайтир лари ташкил этилган. 2014 йилда ташкил қилин Falconry Club" кўриқхонаси улардан биридир.

– Мақсадимиз ноёб ва йўқолиб бораётган қушла авайлаш, кўпайтириш ва табиат қўйнига қўйиб юбо дейди кўриқхона директори Денис Цой. – Бундан таш КО инсониятнинг номоддий маданий мероси деб ган қадимий анъана — лочин овини қайта тиклам

Йиртқич қушларни давлат томонидан назорат лик ва ҳайвонот оламини ҳимоя қилиш мақсадида "Ти Club" кўриқхонаси ходимлари замонавий махсус ас лар билан таъминланган. Жумладан, бу ерда туну затув ишлари олиб борилмоқда, қушларни идентифи мақсадида уларга махсус микрочиплар қўйилмоқ қуш учун паспорт ишлаб чиқилган. Кўриқхона ташк дан буён браконьерлардан олиб қўйилган 45 лочин таб қўйиб юборилди. Лочин Ўзбекистон Қизил китобига жониворлардан биридир.

Кўриқхона ўзининг асосий вазифаларидан бири кўпайтиришни муваффақиятли уддаламоқда. Жо тўртта балобан лочини боласининг иккитаси эркин юборилади.

Шунингдек, бу йил кўриқхона Лочин ови ва йиртқ ҳимоя қилиш халқаро ассоциацияси аъзоси бўлди. Б ходимлари масъулиятини ошириш баробарида табиат за қилиш фаолияти кўламини кенгайтиришга хизмат

Медиа-тур иштирокчилари кўриқхона фаолияти тиқболдаги вазифалари билан таништирилди. Хусу нинг ноёб шахин зотини кўпайтириш, Ўзбекистон Ре табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси қўмаги кореялик ҳамкорлар билан амалга оширилаётган расида катта комплекс барпо этиш кўриқхонанинг ги режаларидан биридир. Мазкур комплекс ташкил янги иш ўрни яратилади.

Тадбирда журналистларни қизиқтирган саволларг ча жавоб қайтарилди.

И.Д. Ўз

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОН

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИ ЖИСМОН ШАХСЛАР ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикаси Солик дексининг 272 ва 287-моддаларига сан эгалигида солиқ солинадиган мулки ва ер участкалари бўлган жи ний шахслар ҳамда деҳқон хўжалик жисмоний шахсларнинг мол-мулк солиқлари тўловчилари ҳисобланад

Солиқ даври учун жисмоний шах томонидан тўланадиган мол-мулк солиқларини тўлаш муддати ҳисобо лининг 15 октябрига қадар этиб б ланган.

Ўз вақтида тўланмаган солиқ су сига ҳар бир кечиктирилган кун қонунчиликда белгиланган тартибда ҳисобланиб, қарздорлик Суд тарти мажбурий ундирувга қаратилади.

Шундай экан мол-мулк ва ер со ларини 15 октябрдан кечиктирмай тў ни унутманг!

Тошкент давлат иқтисодиёт университ қошидаги Чилонзор академик лицейи, ли мавжуд бўлган қуйидаги вакант лавозим танлов эълон қилади

1. Ўқув ишлари бўйича директор ўринбос
2. Маънавий-маърифий ишлари бўйича д тор ўринбосари
3. Чет тиллари бўйича директор ўринбоса
4. Хўжалик ишлари бўйича директор босари
5. Тўгарак раҳбари
6. Ҳуқуқшунос
7. Техник
8. Сантехник

Маълумот учун тел: (+998971) 245-22-64

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

UZHYMET

*Тошкент шаҳрида **24 сентябрь** куни ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундига 3-8 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 2 ража иссиқ бў Ўзгидром мониторинг маълумотига **24 сентябрда** шаҳрининг об-ҳаво шаҳар ҳаво муҳити ли моддаларнинг бир лишига имконият ифлосланиш даражи бўлади.*

Тошкент оқшоми

Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлим «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мум

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

ISSN 2030-9224

Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz

Буюртма Г- 955

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади

Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 6378 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2

Топшириш вақти: 13.00

Нашр учун масъул Д. Исроилов

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Босишга топширилди: 14.10

Бош муҳар Акмал АКР

1 2 3 4 5